



Яъни, «Менга ҳам Аллоҳ шу одамга бергани каби молу дунё ато қилганида, мен ҳам шу одамга ўшаб, уни яхшилик йўлида сарф қилар эдим», деб ҳавас қилса бўлади.

«(Иккинчиси) Аллоҳ бир одамга илм берса-ю, у ўша илми ила ҳукм чиқарса ва таълим берса».

Ўша одамга ҳам бошқа мусулмонлар ҳавас қилса бўлади. Илм билан ҳукм чиқариш ўша илм тақозо этган нарсага ўзи амал қилиш ва одамларни ҳам шунга чақиришдан иборатдир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мол-дунёни тўғри йўлда сарфлашга тарғиб.
2. Мол-дунёси йўқ кишилар ҳам, агар молу дунёси бўлса, яхшилик йўлида сарфлашни орзу қилишларига тарғиб.
3. Илмга амал қилиб, уни одамларга ўргатишга амр.
4. Бошқаларни ҳам илм олиш, унга амал қилиб, бошқаларга ўргатишга тарғиб.

Ҳаётимизда бу ҳадисга амал қилишга ниҳоятда муҳтож эканлигимизни айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳозирги кунда мол-дунёси борлар уларни Аллоҳ таолонинг розилиги учун сарфламайдилар. Аксинча, кўпроқ Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган ишларга ишлатадилар. Ваҳоланки, мулкдор, бадавлат кишиларимиз бундан тийилишлари, Аллоҳ берган молу дунёни Аллоҳ таоло рози бўладиган савоб ишларга сарфлашлари лозим.

Ортиқча мол-дунёси йўқлар эса мулкдорларга ёмон маънодаги ҳасад кўзи билан қарайдилар. «Нима учун менда йўқ мол-дунё унда бўлиши керак?» деган ҳасад билан куйиб, ёнадилар. Фақат ҳасад ўтида ёнибгина қолмай, ўша биродарининг мол-дунёси завоқ топишини ҳам истайдилар.

Аслида эса бадавлат одамга ҳасад эмас, ҳавас қилишимиз керак. «Фалончига кўз тегмасин. Аллоҳ таоло молу дунё неъматини керагича берибди, ўзига буюрсин! Аллоҳ таоло бизга ҳам унга берганидек мол-дунё ато этса, биз ҳам яхши, ҳалол-пок, савоб йўлларга сарф қилишимизни насиб этсин», дейдиган бўлишимиз лозим.

Ҳозирги кунда илмиларимиз ўзи ниҳоятда кам. Илми борлар ичида илмига амал қиладиганлар ундан ҳам кам. Илмсизларимиз эса жуда ҳам кўп. Илмиларга ҳасад қилиб, уларга душманлик қиладиганлар ундан-да бисёр.

Бу ҳолда ҳеч қачон яхшиликка эриша олмаймиз. Агар унга эришмоқчи бўлсак, худди ушбу ҳадисда иршод қилинганидек, ҳаммамиз илм олишга интилиб, олим бўлишга ҳаракат қилиб яшамоғимиз лозим. Аллоҳ томонидан илм берилганлар ўзига берилган илмга амал қилишлари, бошқаларга таълим беришлари ва ўша илмга амал қилишни уларга ҳам тайинлашлари керак. Илми йўқларимиз эса илмиларга ҳавас ва эҳтиром назари билан қараб, «Аллоҳ бизга ҳам илм берса, унга амал қилиб, бошқаларга ўргатсак эди», деган ниятда бўлишлари зарур.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***